Антитела к тиреопероксидазе измеряются более чем половиной клиницистов. Это имеет смысл, потому что тиреоидные антитела обнаруживаются приблизительно у 10% населения, а следовательно, аутоиммунное заболевание может сопутствовать и зобу. С другой стороны, диффузные или фокальные лимфоцитарные инфильтраты в увеличенной железе могут быть признаком аутоиммунного тиреоидита, а не ПУЗ. Это может подтверждаться тонкоигольной аспирационной биопсией, а затем можно рассмотреть возможность применения терапии левотироксином в этих случаях, если сывороточный уровень ТТГ в верхнем нормальном диапазоне. Кроме того, информация о статусе антител к тиреопероксидазе полезна при проведении терапии радиоидом, потому что эти антитела являются фактором риска развития тиреоидита, гипотиреоза и перехода в болезнь Грейвса.

Таблица 3. Биохимические тесты, применяемые при диагностической оценке больного с нетоксическим одиночным узелком или нетоксическим многоузловым зобом при отсутствии подозрения злокачественности.

ТТГ
Общий Т4
Общий Т3
Свободный Т4/индекс
Свободный Т3/индекс
Антитела к тиреопероксидазе
Микросомальные антитела
Антитела к ТГ
Антитела к рецептору ТТГ
Кальцитонин
СОЭ

Хотя уровни сывороточного ТТГ коррелируют с йодным статусом и/или размером щитовидной железы, этот маркер характеризуется неточностью на индивидуальном уровне, чтобы иметь какую-то независимую ценность при диагностике зоба. Это отражается в том, что менее 10% клиницистов измеряют сывороточный уровень ТТГ.

Тест, о котором много говорят в последнее время, это тест уровня кальцитонина. Этот гормон является маркером МРЩЖ, а его сывороточные уровни коррелируют со степенью опухоли. МРЩЖ составляет менее 10% от всех видов рака щитовидной железы, и принято считать, что 0,5% — от всех узелковых заболеваний щитовидной железы. Особый интерес представляет его применение в ранней диагностике МРЩЖ. Должен использоваться двухсайтовый иммунометрический анализ уровня кальцитонина, но наличие гетерофильных антител может стать причиной ложно повышенных уровней. При современном уровне анализов концентрация сывороточного кальцитонина составляет 10 пг/мл у 99% здоровых людей и немного выше у мужчин, чем у женщин. Повышенные уровни кальцитонина, несвязанные с заболеваниями щитовидной железы, можно наблюдать при дисфункции почек, псевдогиперпаратиреозе. Определенные стимулированные пентагастрином уровни кальцитонина широко используются в последнее время для тестирования членов семей по поводу наличия МРЩЖ в связи с синдромом МЭН 2, но то же самое можно проделать посредством генетического теста на наличие мутаций в RET протоонкогене. В США, где пентагастрин больше не используется, применяется кальций-кальцитонин тест. Нормальный верхний предел сывороточного уровня кальцитонина после стимуляции пентагастрином составляет приблизительно 40 пг/мл. Если уровень превышает 100 пг/мл, это является показателем наличия МРЩЖ или гиперплазии С-клеток. При семейной предрасположенности гиперплазия С-клеток рассматривается как карцинома. В других случаях важность гиперплазии С-клеток остается неясной, потому что очень часто она выявляется у пожилых людей и в 20% — при аутопсии. Распространенность МРЩЖ составляла до 1,4% в одном из французских крупных исследований, в котором у 41% из 34 больных с повышенным базальным кальцитонином была обнаружена МРЩЖ, но было и два ложноотрицательных случая. В исследованиях авторов Nahm и

др. у 56 из 1 448 больных (3,9%) с узловым заболеванием ЩЖ уровень кальцитонина был выше 100 пг/мл. У 10 больных (0,7%) диагноз МРЩЖ был подтвержден. У половины из этих людей базальный уровень кальцитонина был выше 100 пг/мл. Авторы Vierhapper и др. обнаружили у 3 из 1 062 больных уровень кальцитонина, превышающий 100 пг/мл. Что важнее, у 10 из 31 больного с уровнем базального кальцитонина от 10 до 100 пг/мл, уровень стимулированного пентагастрином кальцитонина был выше 100 пг/мл. МРЩЖ была выявлена у 3 больных, у остальных 6 была гиперплазия С-клеток. Уровни базального или стимулированного кальцитонина были более чувствительным тестом при выявлении МРЩЖ, чем ТАБ, а рутинное использование сывороточных уровней кальцитонина рекомендовано многими авторами. Однако на основании существующих данных ясный вывод сделать пока непросто. Следует принимать во внимание такой показатель, как стоимость-эффективность, а высокий коэффициент (60-80%) ложно-положительных результатов может стать причиной многих ненужных тиреоидэктомий. На основе полученных результатов становится ясно также, что по данному вопросу согласие отсутствует. Так, более 30% европейских исследователей измеряют базальный уровень кальцитонина рутинно, что отражено в том факте, что 5 из 6 упомянутых исследований были проведены в Европе.

Таким образом, можно сделать вывод, что определение сывороточных уровней ТТГ и анти-тиреопероксидаза-антител является обязательным при оценке ПУЗ. Если уровень ТТГ оказывается вне пределов нормы, целесообразно провести определение уровней Т₄ и Т₃. В противоположность этому необходимость рутинного применения кальцитонина при оценке состояния всех больных с узловым заболеванием щитовидной железы является спорным вопросом, однако ясно, что если уровень базального кальцитонина в плазме крови выше 10 пг/мл, это требует дальнейшего исследования. Рутинная оценка сывороточного ТТГ и антител к ТГ является нецелесообразной.

С. ИСМАИЛОВ,
директор
Республиканского
специализированного
научно-практического
медицинского центра
эндокринологии.
(Продолжение
в следующем номере).

Таблица 2. Факторы, наводящие на мысль о карциноме щитовидной железы у больных с узловым заболеванием ЩЖ в соответствии со степенью подозрения

Высокая степень подозрения
Наличие МРЩЖ в семейном анамнезе или множественная эндокринная неоплазия
Быстрый рост опухоли (особенно при лечении левотироксином)
Высокая степень твердости узелков
Связь со смежными структурами
Паралич голосовых связок (ларингоскопия)
Регионарная лимфаденопатия
Отдаленные метастазы (в легких или костях)
Средняя степень подозрения
Возраст < 20 лет или > 60 лет
Принадлежность к мужскому полу
Наличие одиночного узелка
Получение курса облучения головы и шеи по данным анамнеза
Твердая текстура, возможная фиксация
Узелок 4 см в диаметре или частично кистозный
Симптомы компрессии: дисфагия, дисфония, хриплость голоса, одышка, кашель
Низкая степень подозрения
Все остальное

Облучение головы и шеи в младенчестве или детстве по поводу ряда доброкачественных заболеваний имеет сильную связь с последующим развитием карциномы. Возможность естественного развития многих карцином щитовидной железы в связи с облучением из различных источников радиации или естественным фоном подтверждается наблюдаемой эпидемией папиллярного рака щитовидной железы у детей в Беларуси и Украине после аварии на Чернобыльской АС.

Важное значение имеет скорость роста. Карциномы щитовидной железы обычно растут медленно в течение нескольких недель или, что бывает чаще, месяцев. Рост при гормонорезистентной терапии особенно настораживает. Внезапный рост, скорее всего, говорит о кистозном или раннее невыявленном узелке, в котором произошло кровоизлияние. Стремительное увеличение также встречается в случаях анапластической карциномы или при развитии лимфомы у больного, ранее перенесшего хронический аутоиммунный тиреоидит.

Ощущение дискомфорта в области шеи, челюсти или уха, а также дисфагия, хриплость голоса или одышка могут на-

блюдаться у больных с доброкачественными узелками на щитовидной железе, особенно в случае больших многоузловых зобов, а также могут указывать на наличие карциномы щитовидной железы. Твердый и фиксированный узелок наводит на мысль о карциноме щитовидной железы, равно как и паралич голосовых связок и ипсилатеральная лимфаденопатия. Хотя все больные с карциномой щитовидной железы эутиреоидны (как и большинство больных с доброкачественными узелками на щитовидной железе), подавленные сывороточные уровни ТТГ наводят на мысль о субклиническом гипертиреозе. Обычно это исключает клинически значительную злокачественность процесса, но следует отметить, что сопутствующий гипертиреоз не исключает злокачественности в многоузловом зобе. Так, в одной большой серии оперированных больных с гипертиреозом рак щитовидной железы был обнаружен у 1,6% больных с токсическим многоузловым зобом в отличие от больных болезнью Грейвса.

Следует помнить, что железы с затаенными злокачественными опухолями во многих случаях неотличимы от тех, у которых таковых нет. В случае очень высокой степени подозрения злокачественности (таблица 2) на проведение тиреоидэктомии следует настаивать независимо

(Продолжение.
Начало на 4-й стр.)

26 ноября в актовом зале средней школы №5 города Чирчика была проведена лекция "СПИД и молодежь", лектором которой стала патронажная акушерка С. Мустафаева.

Учащимся школы была представлена полная информация о СПИДе и его последствиях. В ходе собрания лектору поступило большое количество вопросов, на которые были представлены ответы.

Подобного рода лекции были прочтаны фельдшерами Р. Касымбаевым и В. Сулеймановым в махаллах №№ 39, 40, 43, 44 города Чирчика.

АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА ДНЯ

В махалле "Байналмилал" Мирабаского района города Ташкента активно ведется работа среди населения. Семейный врач поликлиники №1 Г. Эшматова, старший советник махалы Л. Победимова и представитель женского совета Э. Караваяева ежедневно проводят встречи с населением в виде лекций, вечеров вопросов и ответов по медицинской тематике. 27 ноября 2008 года проводилась лекция, посвященная Всемирному Дню борьбы со СПИДом.

1 декабря 2008 года в городе Чирчике Ташкентской области прошла акция медицинских работников под девизом "Принимайте силы объединенно", посвященная Всемирному Дню борьбы со СПИДом, которая была организована заведующим городским медицинским объединением Н. Абдуллаевым. Целью проведения данного мероприятия явилась пропаганда здорового образа жизни среди населения. В ходе акции каждая поликлиника представила свой стенд и имела возможность прокомментировать, то есть рассказать об ас-

пектах работ, отраженных на стенде, и о том, как ведется работа на территории данной поликлиники. Участники, занявшие призовые места, были награждены почетными грамотами. Такая акция медицинских работников в городе Чирчике впервые. Очень хочется отметить активную работу в этом направлении многопрофильного поликлинического отделения поликлиники №3. Весь персонал данного учреждения чувствует особую ответственность за санитарно-просветительскую работу. Ими проводится еженедельный контроль за проведением лекций и вечеров вопросов и ответов в махаллах среди жителей.

Т. ЗАХАРОВА.

Мутахассис оғоҳлантиради

ГРИПП АСОРАТЛАРИ БИЛАН ХАВФЛИ!

Маълумки, грипп тез тарқаладиган юқумли касалликлардан биридир. Грипп эпидемияси деярли ҳар йили қайд этилиб, умумий аҳолининг 20-25 фоизи (аҳоли зич яшайдиган шаҳарларда ундан ҳам кўп) грипп билан хасталанади.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан келтирилган маълумотларга кўра, фақат 2007 йилда 2 миллиарддан ортиқ йўловчи "хаво йўллари" хизматидан фойдаланган. Авиайўловчилар ўртасида гриппга чалинган минг-минглаб кишилар касаллиқни дунё микёсига тарқалишига олиб келади. Бундан ташқари бугунги кунда аҳоли йиғиладиган жуда кўп тадбирлар (маданий, спорт ва ҳоказо) ҳам аҳоли ўртасида грипп касаллигининг кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Гриппнинг энг катта пандемияси 1918-1919 йилларда кузатирилган бўлиб, тахминан 500 миллионга яқин киши касалланиб, шулардан 40 миллиондан ортиғи вафот этган. Гриппнинг ушбу пандемияси "Испанка" номи билан тарихда қолган. 1957 йилда асосан Хитой ва Японияда бўлиб ўтган гриппнинг "Осиё пандемияси" ва 1968-1969 йилларда бўлган "Гонгконг пандемияси"дан 4 миллионга яқин киши грипп асоратларидан вафот этган. Грипп юқори нафас йўлларидаги ўткир юқумли касалликларнинг 50 фоизидан кўпрогини ташкил қилади. Бу касаллик мавсумийлик хусусиятига эга бўлиб, асосан йилнинг куз ва қиш ойларидан қайд этилади.

Грипп юқори нафас йўллари яллиғланиши, тана ҳарорати кўтарилиши ва организмнинг умумий заҳарланиши билан кечади, жуда тез тарқалиш хусусиятига эга бўлган юқумли касалликдир. Грипп касаллигини вирус кўзғатади. Вирус инфлюэнцавирус авлодига мансуб бўлиб, уларнинг 3 та тури (сезиротилари) мавжуд – "А", "В", "С". Грипп вирусининг "А" тури 1933 йилда У. Смит, К. Эндрикс, П. Лейдлоу, "В" тури 1940 йилда Т. Френсис, Т. Меджилл ва "С" тури 1947 йилда Р. Тэйлер томонидан кашф этилган. Собиқ иттифоқда эса грипп вируслари Л. А. Смороденцев (1936) ва Л. А. Зильбер (1937) томонидан ажратилган ҳамда грипп эпидемияларининг барчаси вирус табиатида эканлиги исботлаб берилган. Грипп вируси сферик шаклда бўлиб, ўлчами 80-120 нанометрни ташкил этади. Вируснинг ўртасида бир қатор заҳирдан иборат рибонуклеин кислотаси (РНК) жойлашган. "А" турдаги грипп вируси "В" ва "С" турдаги грипп вирусларидан фарқи ўлароқ, асосан гриппнинг оғир турларини келтириб чиқаради. "А" турдаги грипп вируси одамда, паррандаларда ва баъзи бир сут эмизувчи ҳайвонларда касаллик кўзғатади. Ўтмишда одамлар ўртасида қайд этилган барча эпидемия ва пандемияларни айнан "А" турдаги грипп вируси кўзғатади. "А" турдаги грипп вируси ўта ўзгариувчанлиги билан "В" ва "С" турдаги грипп вирусларидан фарқ қилади. "В" турдаги грипп вируси касаллиги фақат одамларда кўзғатади, бу турдаги вирус унча катта бўлмаган грипп эпидемиялари сифатида намоён бўлиши мумкин. "С" турдаги вирус кўзғатадиган касаллик жуда энгил ўтади, касаллик аломатлари яққол ривожлан-

маган бўлади ёки умуман белгиларсиз кечиши мумкин. Шу боис, гриппнинг "С" вируси кўзғатган касаллик фақат лаборатория текшируви ўтказилиши натижасида аниқланади.

Грипп вируслари ташқи муҳитга чидамсиз. Қиздирилганда ва қайнатилганда, хона шароитида, қуёш нури таъсирида тез nobуд бўлади. Дезинфекцияловчи воситалар (хлорли оҳак, хлорамин, гипохлорид кальций ва бошқалар) таъсирида бир зумда ҳалок бўлади. Паст ҳароратда (ҳарорат 0°Сдан паст бўлганда) вируслар узоқ вақт давомида тирик сақланади (касаликнинг совуқ мавсумда кўп учрашининг боиси ҳам шунда). Грипп вирусларини тарқатувчи манба – грипп билан касалланган беморлардир. Грипп касаллигида вирус ташувчанлик шаклланимайди. Шу сабабли ҳам юқорида таъкидланганидек, гриппга чалинган бемор касаллиқнинг ягона манбаи ҳисобланади. Мавсумий грипп фақат одамдан одамга юқади, касаллик одамдан ҳайвонга юқмайди. Парранда гриппи эса мавсумий гриппдан фарқи равишда, паррандалардан одамларга юқади, лекин бу касаллиқнинг одамдан одамга, одамдан паррандага юқиши ис-

ва беморда тумов аломатлари қайд этилади. Грипп касаллигида яширин давр 12 соатдан 3 кунгача, ўртача 1-2 кун давом этади. Касаллик тўсатдан бошланади. Соппа-соғ юрган одам бирданига мазаси қочиб, аъзои бадани увишиб, тана ҳарорати кўтарила бошлайди. Орадан 1-2 соат чамаси вақт ўтгач, касаллиқнинг бошқа аломатлари юзага чиқади. Тана ҳарорати 39-40 даражага кўтарилиб, бемор совуққотди, қалтиради. Боши ва кўл-оёқларида оғриқ пайдо бўлади. Мушаклар зиркираб оғрийди. Бемор ўзини жуда ёмон ҳис қилади. Организмининг заҳарланиши борган сари кучайиб боради. Бошнинг пе-



мувофикдир. Бемор парварishi билан шугулланган киши 4 қаватли докали ниқоб (ниқоб ҳар 3-4 соатда ювилиб, дазмолланиб, қайтадан фойдаланиш мумкин) тақиши керак. Хона иссиқ (+20-22°С) бўлиши, унинг ҳавоси бир кунда камида 3-4 марта алмаштириб (шамоллатиш) турилиши керак. Бемор шахсий гигиена қоидаларига пухта амал қилиши лозим. Унга кўп миқдорда турли хил суюқликлар (лимон чой, мева шарбатлари, наъматак дамамаси, қатиқ) ва энгил ҳазм бўладиган овқатлар керак. Бемор иштаҳаси ва хоҳишига қараб, суюқликлар ва овқатлар бериш лозим. Унинг олдиға, айниқса, ёш болалар, қариялар ва ҳомиладор аёлларни киритмаслик керак. Бемор фойдаланган сочиқ, дастурмолдан бошқалар фойдаланмаслиги зарур, уларни қайнатиб ювиш, кейин дазмоллаш лозим. Идиш-товуқлар, қошиқ-санчиқ ва пиёла ҳам бемор томонидан фойдаланилгач, дарҳол қайнатилиши керак. Агар уй шароитида даволанаётган беморнинг аҳоли яшиланавермасе, унда уйға шифокорни яна тақлиф қилиб, унинг тавсиялари асосида даволаниш талаб этилади. Бемор ҳар қандай маслаҳатларга қулоқ солмасдан, қатъийан врач тавсиялари асосида даволаниши керак. Шундагина у гриппдан тез ва асоратсиз тўзалиб кетади.

шаклларида кечади. Касаллиқнинг ўта оғир шакли баъзи ҳолатларда ўлим билан аяқланади. Грипп ўзининг асоратлари билан ёмон. Гриппдан кейин беморда менингит (мия пардаси яллиғланиши), отит (ўрта қулоқ яллиғланиши), бронхит (бронх йўллари яллиғланиши), зотилжам (ўпка тўқимаси яллиғланиши) ва бошқа бир қатор асоратлар қолдиради. Баъзилар бу касалликка етарли эътибор бермасдан, уни "оёқда" ўтказиш, ўзбошимчилик қилиб даволанади, бу эса юқорида кўрсатилган асоратларга ва кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Агар оила аъзоларидан бирида грипп касаллиги аломатлари пайдо бўла бошласа, уни боғчага, мактабга, ўқув юртига ва ишга юбормаслик керак. Беморни уйда алоҳидадаш, яъни изоляция қилиш касаллиқнинг тез ва асоратсиз даволашда, шунингек, уни тарқалиб кетишининг олдини олишда энг муҳим чора-тадбирлардан бири ҳисобланади. Беморни алоҳида хонага ётқизиш, зудлик билан уйға худудий поликлиника ёки бошқа хизмат кўрсатадиган даволаш-профилактика муассасаларидан шифокор чакриши керак. Шифокор тавсиясига кўра, бемор уй шароитида ётоқ тартибда даволаниши лозим. Беморни шифоконга ётқизиш даволаш масаласини уйға чакиртирилган шифокор ҳал қилади. Бемор ётган хонага имкон борица бошқалар киритилмаслиги ва унинг парварishiда бир киши иштирок этгани мақсадга

ботланмаган. Грипп касаллигида вируслар соғлом одамларга бевосита кўрпа-тўшакдан, сочиқ, идиш-товуқ, пиёла, қошиқ-санчиқ, камдан-кам ҳолларда ўйинчоқлардан юқиши мумкин. Грипп касаллиги соғлом одамларга ҳаво-томчи йўли билан юқади. Бемор йўталганда, аксирганда, ҳаттоки нафас чиқарганда ва галлашганда, атроф-муҳитга кўп миқдордаги вирусларни тарқатади. Грипп вируслари билан зарарланган ҳаводан нафас олган соғлом кишилар, бу вирусларни юқтириб оладилар. Бемор касаллиқнинг яширин даврида (касалик аломатлари рўёбга ҳали чиқмаган пайтда) ва касаллик бошлангандан кейин, бир неча кун (ўртача 4-5 кун) мобайнида юқумли бўлади. Касаллик беморнинг фақат юқори нафас йўллари орқали юқади. Вируслар соғлом кишининг юқори нафас йўллари шиллиқ пардаси хужайралари ичига кириб кўнади ва хужайралари емиради. Вируслар таъсирида юқори нафас йўллари шиллиқ пардасининг хужайралари nobуд бўла бошлайди. Шиллиқ пардалар яллиғланиб, шишади

шона ва чакка соҳасида оғриқ кучли бўлади. Кўз соққасида оғриқ пайдо бўлади, кўз ёшлади. Бурун битиб, нафас олиш қийинлашади, бурундан ажралма чиқади, иштаҳа ёмонлашади. Баъзан бурундан қон кетади. Бемор кўп терлайди, умумий ҳолсизлик кузатилади, уйку бузилади. Грипп касаллиги, айниқса, болалар ва қарияларда оғир кечади. Гриппга чалинган бемор болаларда ҳам юқорида таъкидланган касаллик аломатларининг барчаси кузатилади. Бола инжиқ, йиғлоқи бўлиб қолади. Касаллик авжига чиққан даврида бола алаҳсирайди, талвасга тушади, қусади. Бурун-лаб соҳаси бўзарди ва кўкимтир тус олади, юзи қизаради. Боланинг иштаҳаси бузилиб, ҳеч нарсга емай қўяди. Касалликда асорат қайд этилмасе, касаллиқнинг 2-3-куни тана ҳарорати меъёрига тушади. Юқорида қайд этилган касаллик аломатлари 5-6-кунга бориб аста-секин йўқола бошлайди. Акарият ҳолларда касаллиқнинг айрим белгилари 7-10 кунгача ҳам сақланиб туриши мумкин. Грипп касаллиги энгил, ўрта оғир, оғир ва ўта оғир


Гриппга қарши эмлатиш, шифокорлар тавсиясига кўра амалга оширилгани маъқул. Бу касалликка чалиниб, даволанишдан кўра, унинг олдини олиш минг бор афзал. Хавфли ва жиддий асоратлар қолдирадиган гриппдан сақланиш, биринчи навбатда ҳар бир кишининг ўзига боғлиқлигини унутмаслигимиз керак.

Хусан САПАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ССВ Республика ДСЭНМ
бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди.

Меҳнати таҳсинга лойиқ

ЭЛ НАЗАРИГА ТУШГАН ШИФОКОР

Буюк табиб Абу Али ибн Сино: "Беморларни ширин сўз, муомала даволайди", деган эди. Шундай экан республика тиббиёт тизимида фаолият юритаётган кўплаб шифокорларимиз ўзларининг ҳушмуомалалиги ва самимийлиги билан беморлар дардига малҳам бўлиб, касбларини ардоқлаб келмоқдалар. Жумладан, Андижон вилояти, Андижон туман вилоят тиббий реабилитация шифохонасида кўп йиллардан буён фаолият юртиб келаётган Тожиддин Бадалбоев ҳам эл орасида қўли енгил, жонқуяр инсон деб ном олган. У минглаб беморлар дардига малҳам, уларнинг ҳурмат-эътиборига эга бўлиб келмоқда.



— Халқимиз соғлиги йўлида астойдил хизмат қилиш бизнинг бурчимиз, қолаверса, касбимизга бўлган масъулиятимиз юқори эканлигини кўрсата олади, — дейди суҳбат чоғида Тожиддин Бадалбоев.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Бадалбоевлар оиласи Андижондаги энг ибратли, намунали оила ҳисобланади. 8 нафар фарзандни тарбиялаб, комил инсон этиб воёга етказган отанинг 4 нафар фарзанди соғлиғини сақлаш соҳасида меҳнат қилиб келаётган олий маълумотли шифокорлардир.

Бутун умрини фарзандлари ҳамда шифокорлик касбига бағишлаган Тожиддин Бадалбоев бугунги кунда кўплаб шогирдлар тайёрлаб, улар билан бир сафда меҳнат қилаётганлигидан ўзини бахтиёр деб билади.

Андижон вилоятининг барча шаҳар ва туманларида истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар саломатликларини қайта тиклаш учун вилоят тиббий реабилитация шифохонасига келишади. У ердаги шарт-шароит, жамоада ишлаётган тиббиёт ходимларининг меҳнатсеварлиги ҳамда ҳушмуомалалиги беморлар тезда соғлиқларини тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мазкур шифохонанинг биринчи бўлимида 45 йилдан буён фаолият юритаётган Тожиддин Бадалбоев ҳам ўз касбини ардоқлаб келаётган жонқуяр шифокорлардан биридир. Мен ушбу масканда бўлганимда шифохона бош шифокори Ш. Қозоқов тажрибали шифокор Тожиддин Бадалбоев фаолияти тўғрисида эътирофли фикрларни айтиб ўтди.

Шунингдек, тиббиёт муассасасида даволанаётган бемор Тешабой ота Сойназаров ҳам бўлимидаги кенг имкониятлар ҳамда ходимларнинг ишчанлиги тўғрисида мамнун бўлиб гапирди. Бунинг баробарида фидойи шифокор Т. Бадалбоев, С. Жалолева, катта ҳамшира М. Паттаева, бири-биридан чаққон ҳамширалар Д. Қодирова, Г. Бекматова, Неля, Люда, Тўся, массажчи Р. Султонов ҳамда Ўғилоний беминнат хизматларидан кўнглиларни тўлганлигини айтиб ўтди.

Ҳа, инсон меҳнатиға қарата айтилган бу сўзларни тинглаб, Тожиддин Бадалбоевнинг ҳақиқатдан ўз касбининг фидойиси эканлигини англаш қийин эмас.

Бутун умрини фарзандлари ҳамда шифокорлик касбига бағишлаган Тожиддин Бадалбоев бугунги кунда кўплаб шогирдлар тайёрлаб, улар билан бир сафда меҳнат қилаётганлигидан ўзини бахтиёр деб билади.

«ЖЕВАЧИ» ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИНИНГ БИР КУНИ



маҳалладаги тадбиркорлар ёрдамида жиҳозланиб, жамоа ходимлари ва аҳоли учун керакли шароит ҳамда имкониятлар яратилди.

Ўз касбининг моҳир устаси бўлган тажрибали шифокор Олимахон Усмонова қишлоқ врачлик пунктнинг мудури ва-зифасида ишлар экан, талабчанлиги, ҳушмуомалалиги, камтарлиги туфайли жамоа ва эл ҳурматиға сазовор бўлмоқда. «Жевачи», Ю. Мамажонов номи ва «Хартум» маҳаллаларида яшовчи аҳолиға қишлоқ врачлик пунктнинг 16 нафар ходими тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, тажрибали шифокорлардан Фарҳодбек Усмонов, Соҳиббахон Сатторова, бири-биридан чаққон ҳамширалардан Зайнабхон Низомова, Эркиной Йўлдашева, Нафисахон Исакова, Гулчиroy Собирова меҳнатидан мамнун бўлаётган аҳолининг эътирофли фикрлари кишини бефарқ қолдирмайди. Олимахон Усмонова билан суҳбатда бўлганимизда, ташаббускор раҳбарнинг фикрлари жамоада олиб бораётган фаолиятлар ислохот жараёнига янги уйғулашиб кетаётганлиги фахр билан таъкидлади. Жумладан, она ва бола саломатлигига бўлаётган эътибор бундан мустасно эмас. Врач-гинеколог Соҳиббахон Сатторова туғиш ёшидаги аёллар, шунингдек, ёш оналарға керакли мас-

лаҳат ва тавсияларни бериб, даволашға муҳтож бўлган беморларни шифохонада ётиб, муолажа олишлари учун керакли муассасаларға йўллайди. Шунингдек, чақалоқларни она сuti билан боқиш муҳимлиги ҳамда бола парварishiға эътиборни кучайтириш зарур эканлигини ёш оналарға тушунтириб, келажақда фарзандининг соғлом ўсишиға замин яратилишини доимий таъкидлаб келади.

Шунингдек, жамоада фаолият юритаётган бошқа йўналишдаги тиббиёт ходимлари меҳнатини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Талабчан, қаттиққўл, шижоаткор раҳбар Олимахон Усмоновнинг ўз касбига садоқат билан ёндошганлиги туфайли ходимлар орасида соғлом муҳит барқарор бўлиб, уларнинг фаолияти учун кенг имкониятлар яратилган. Аҳоли ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳам бундан мустасно эмас. Бунинг натижасида аҳоли орасида касалликларнинг олдини олиш, шу билан бирга халқнинг тиббий саводхонлигини ошириш борасида ижобий натижаларға эришилмоқда. Эл ардоқлаган аёл Олимахон Усмонова жамоада ибратли раҳбар, оилада эса фарзандларға меҳрибон она, турмуш ўртоғиға эса таянч.

Халқимиз саломатлиги йўлида меҳнат қилаётган «Жевачи» қишлоқ врачлик пунктнинг бир кунлик фаолиятиға назар ташлайдиган бўлсак, жадаллик билан олиб борилаётган ишлар замирида тиббиёт ходимларининг масъулиятли вазифалари уйғун ётганлигининг гувоҳи бўлдиқ.

Ж. ТУРДИЕВ,
уруш ва меҳнат фахрийси,
«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», олий тоифали химбиолог, кекса журналист.

Учрашув

ЭЪТИРОФ ВА ЭЪТИРОМ...

Тиббиёт илмидек шарафли ва масъулиятли касбда меҳнат қилиб келаётган Самарқанд Давлат тиббиёт институти битирувчилари ўзларининг 25 йиллик юбилейлари нишонлаш мақсадида институтнинг мажлислар залида йиғилдилар.

1977 йили кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган 800 та абитуриентға республикамиздаги энг нуфузли тиббиёт олийгоҳларидан бири — Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг талабаси бўлишдек бахт насиб этди. 1983 йили эса ушбу талабалар институтининг элгинчи битирувчилари бўлишди. Шуниси қувонарли эдики, институт тарихида биринчи бор ушбу талабалардан 92 нафари имтиёзли диплом олишға мушарраф бўлган. Ҳозирда собиқ битирувчилардан 5 нафари тиббиёт фанлари доктори, 20 нафардан ортиғи фан номзодлари бўлиб етишиб, тиббиёт фанининг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган бўлсалар, қолган битирувчилар халқ соғлиғини сақлашда тиббиёт соҳасининг турли йўналишларида самарали фаолият юритиб келмоқдалар.

Юбилей қатнашчиларға бағишланган тантанали кечани Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг илмий ишлар бўйича проректори, профессор Ш. Юсупов очиб, уларни ушбу учрашув онлари билан табриқлаб, ишларига омадлар билдирди. Сўнгра битирувчилар ҳозирги кунда ҳаёт бўлмаган курсдошлари хотирасини ёдға олишди.

Тадбир давомида битирувчиларға сабоқ берган СамДавТИ собиқ ректори, профессор Ўктам Ваҳובה, профессор М. Аҳмедова иштирокчиларни табриқлаб, масъулиятли касбларини давом



эттиришни, шунингдек, меҳр-оқибатли бўлишларини айтиб ўтишди.

Битирувчилар ҳам сўзға чиқиб, республика тиббиёт тизимида амалға оширилаётган ислохотлар ва бунинг баробарида мутахассислар учун давлатимиз томонидан яратилаётган имконият ва ғамхўрликлар тўғрисида фахрланиб гапирдилар.

Сўнгра собиқ курсдошлар институтининг илмий ишлар бўйича проректори, профессор Ш. Юсупов ҳамкорлигида олий ўқув юртининг бугунги фаолияти билан танишишди. Институт битирувчилари ўзлари таҳсил олган олий ўқув юртида жаҳон андозаларига мос равишда ўқитиш ишлари олиб борилаётганлигиға амин бўлишди.

Ушбу йиғилиш курсдош-дўстлар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг мустаҳкамлигини, хотира «уйғоқлиги»ни яна бир қарра намоиш этди.

Шоира ҚОДИРОВА,
Тошкент Тиббиёт академияси катта ўқитувчиси.

Интернет сообщает

Белорусские хирурги избавили новорожденную от близнеца-паразита и порока сердца

Белорусские врачи успешно провели сложнейшую операцию новорожденной девочке, в ходе которой от нее был отделен недоразвившийся близнец-паразит, а также ликвидирован врожденный порок сердца, сообщает «Комсомольская правда в Белоруссии».

Инесса появилась на свет 25 октября в роддоме небольшого белорусского города путем естественных родов. Ее мать, 21-летняя Екатерина, о проблеме с плодом ничего не знала — при ультразвуковых исследованиях паразитический близнец замечен не был. Однако принашившие роды акушеры обнаружили, что к животу и грудной клетке новорожденной прирос недоразвившийся близнец без верхней части тела. Кроме того, выяснилось, что у Инессы врожденный порок сердца.

Для хирургического лечения девочку доставили в Республиканский детский хирургический центр в Минске. Было принято решение оперировать ребенка на десятом дне жизни, поскольку из-за порока сердца отложить удаление паразитического близнеца не представлялось возможным.

Материалы основаны на данных Интернета.

Биринчи ёрдам

ЕЛКА ВА БИЛАК СУЯКЛАРИ ЖАРОХАТЛАНГАНДА

Куйидаги тадбирлар елка, тирсак ва билак суяклари жароҳатланганда қўлланилади:

1. Болани стулга ўтқизинг. Ундан соғлом қўли билан жароҳатланган қўлини ушлаб туришини сўранг.

Синган қўлни кўкрак устига қўйинг. Соғлом қўли билан синган қўлни ушлаб туришини сўранг.



2. Синган қўлни боғлашдан олдин боланинг синган қўли ва кўкраги орасига юмшоқ нарсас қўйинг.



3. Маҳкам тутадиган боғлов билан синган қўлни боғланг.

Маҳкам тутадиган боғлов

Бунинг учун учбурчак рўмол ёки шунга ўхшаш мато ишлатилади.

1. Рўмолнинг бир учини соғ елка орқали бўйин орқасидан ўтқизинг ва бошқа елкага ташланг.



Синган қўлни ушлаб туринг. Учбурчак рўмолнинг узун учини соғ елкага ташланг.

Рўмолнинг пастки қисми билан тирсак ва билакни ўранг. Елка устида туғун қилиб боғланг.

2. Рўмолнинг пастки қисми билан тирсак ва билакни ўранг, унинг учини елкага олиб бординг ва иккинчи уч билан туғун қилиб боғланг.

3. Тирсак атрофида осилиб қолган учбурчак рўмолнинг қисқа учини йиғиб, боғловга кистириг.



Тирсак бўғими жароҳати

Бу жароҳат мутахассис томонидан шовилинч ёрдам кўрсатишни талаб қилади.

Белгилари: тирсак бўғимида оғриқ, хусусан, уни ҳаракатлантирганда бўғимда ҳаракатнинг кийинлашиб, шив ва қонталашдан иборат бўлади.



Болани текис жойга ётқизинг. Жароҳатланган қўлни қорин устига қўйинг.

Жароҳатланган қўл остига юмшоқ нарсас қўйинг.



Елкасини кўкрак қафасига боғланг. Билак ва қафти қоринга боғланг.

Ўмров суягининг синиши

Белгилари: оғриқ ва оғриқнинг қўл ҳаракатида қулайиши, бош жароҳатланган томонга бурилган ва эгилган бўлади.

1. Болани ўтқизинг ва эҳтиётлик билан жароҳатланган томондаги қўлни кўкрак устига қўндаланг қўйинг.

2. Қўлни маҳкам тутадиган боғлов билан боғланг.

Маҳкам тутадиган боғлов

1. Жароҳатланган қўлни кўкрак устига қўйинг. Уни тирсакдан ушлаб туришини сўранг.

Жароҳатланган қўл бармоқларини соғ елкага қўйинг.



2. Жароҳатланган қўлни боғлов билан ёпинг ва унинг бир учини соғ елкада ушлаб туринг.



Боғловнинг бир учини елкада ушлаб туринг.

3. Боғлов билан билак ва тирсак бўғимини ўранг.

4. Боғловнинг иккинчи учини жароҳатланган қўл тирсагини қотириб қўйиш учун орқадан соғ



елкага олиб келинг ва боғловнинг биринчи уч билан туғун қилиб боғланг.

5. Тирсак атрофида матонинг осилиб қолган учини йиғиб, боғловга кистириб қўйинг.



Юқоридаги қўтилмаган ҳолатлар юз берганда зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатишга шовилинг! Сўнгра, тезда шифокорга муурожаат қилинг.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти, «Саломатлик» лойиҳаси мутахассислари томонидан тайёрланди.

Табиат шифохонаси

ҚОН КАМАЙИБ КЕТГАНДА

Бу касаллик қонда эритроцитлар сони ва гемоглобин миқдорининг камайиши билан характерланади. Камқонлиқнинг келиб чиқишига қон яратилиш жараёнининг бузилиши, ўсатдан ёки сурункасига қон йўқотиш, қизил қон таначалари (эритроцитлар)нинг меъридан ортиқ даражада парчаланиши сабаб бўлиши мумкин. Камқонлиқнинг белгилари жуда кўп бўлиб, аввало камқонликка чалинган бемор тез-тез чарчайдиган, юраги уришдан безовталанадиган ва боши айланадиган бўлиб қолади. Айни вақтда унинг иштаҳаси ҳам пасаяди.

Камқонлиқни даволаш учун куйидаги воситалардан фойдаланиш мумкин:

Олхўрини кўп истеъмол қилиш қон таркибиде қизил қон таначаларининг кўпайишига

ёрдам беради. Шу билан бирга, қон босимини пасайтиради, ундан буйрак хасталигини даволашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ибн Сино исмалоқни камқонлик касаллигини даволашда ишлатган. Ундан қайнатма тайёрлаб, қони камайиб кетган беморга ичирган. Қайнатма тайёрлаш учун 1 ош қошиқ микдорда мурғак исмалоқ ўти ёки барг қукуни 200 грамм сувда 10 минут қайнатилади, 1 соат тиндириб қўйилади. Кейин докдан сузиб олиниб, қунига ярим пиёладан 3 маҳал истеъмол қилинади.

Тут меваси ўзининг шифобахши хусусиятлари билан инсон организмидеги турли хасталиқларга даво бўла олади. Ундан тайёрланган майиз ҳам гўягиде тўйимли ва фойдали неъмат ҳисобланади.

Беҳнинг барги ва пўстлоқдан тенг миқдорда олиб, озгина сувда қайнатилади, 1 соат тиндириб қўйил-

гач, докдан ўтқизилади. Бу даламдан истеъмол қилиб туриш ҳам камқонликка фойдалидир.

Ўрик меваси камқонлиқни даволашда муҳим ўрин тутди. Бу неъмат юрак, қон-томир фаолиятини яхшилайдиган. Қизил сабази ҳам камқонликда даво бўладиган неъматлардан бири ҳисобланади.

Халқ табибатида лимонўт баргидан тайёрланган далама камқонликда, овқат ҳазм бўлиши бузилишида, юрак касаллиқларида ва бошқа қатор касаллиқларда фойдаланилади. Ўсимликдан далама тайёрлаш учун чойнакка икки стакан қайнаб турган сув қўйилиб, ўсимлиқнинг ер устки қисмидан ёки майдаланган баргидан 8 чой қошиқ солиб, 4 соат далам қўйилади. Сўнгра докдан сузиб, қунига 4 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.



Интернет соошпаёт

Британский хирург
провел сложнейшую
операцию с помощью
SMS-сообщений

Британский сосудистый хирург, работавший волонтером в Конго, спас жизнь 16-летнему мальчику с помощью SMS-сообщений. Благодаря подробным инструкциям по сотовому телефону, полученным от коллеги-хирурга, врач смог впервые в жизни осуществить сложнейшую операцию по ампутации плеча с обширной резекцией плечевого пояса, сообщает газета Mail Online.

В октябре 2008 года 52-летний сосудистый хирург из Великобритании Дэвид Нотт работал в Конго в качестве волонтера в Международной медицинской гуманитарной организации "Врачи без границ". Однажды Нотт столкнулся с пациентом, который был укушен гипопотамом. На месте укуса возникла инфекция, приведшая к гангрене верхней конечности. Для спасения жизни 16-летнего мальчика требовалось незамедлительное проведение сложной операции – ампутации плеча вместе с лопаткой и ключицей.

Нотт, никогда не делавший такую операцию, посредством SMS-сообщения обратился за помощью к коллеге – хирургу Майриону Томасу. Врач, который в это время отдыхал на Азорских островах, согласился помочь. В двух ответных SMS он изложил подробные инструкции по проведению операции вместе с пожеланием удачи.

Несмотря на отсутствие опыта и тяжелые условия работы – в распоряжении врача имелось лишь пол-литра крови, один скальпель и один зажим, – Дэвид Нотт решился на проведение операции.

По словам врача, хирургическое вмешательство прошло успешно. В настоящее время жизни подростка ничто не угрожает.

Китайские врачи помогу
мальчику с сердцем
на животе

Китайские врачи разрабатывают план хирургического лечения четырехлетнего мальчика, который родился с сердцем, находящимся под кожей живота.

Сердце Чжана из деревни Хетай в провинции Ляонин из-за аномалии внутриутробного развития покрыто лишь кожей брюшной стенки, сквозь которую хорошо видны его сокращения. Сейчас мальчик доставлен в больницу Шэнцзина – клиническую базу Китайского

медицинского университета. По словам врачей, маловероятно, что удастся вернуть сердце на место, но они собираются сделать все возможное для лечения Чжана.

Родители мальчика, работающие мусорщиками, ранее не могли обратиться за медицинской помощью для сына из-за финансовых затруднений. Все, что они могли сделать – это надевать на мальчика больше одежды для предохранения сердца от повреждений и не разрешать ему играть в подвижные игры.

В Великобритании один
из siamoских близнецов
умер после операции
по разделению

Один из siamoских близнецов, перенесший операцию по разделению в лондонской детской больнице на Грейт Ормонд Стрит, скончался вследствие дыхательной недостаточности. Состояние второго близнеца, Фейт Уильямс, остается стабильно тяжелым, сообщает BBC.

Siamoские близнецы Фейт и Хоуп (в переводе – вера и надежда) родились 26 ноября. Будущей матери – 18-летней Лауре Уильямс – предлагали сделать аборт, однако молодая женщина решила на рождение близнецов. Сестры Уильямс появились на свет в результате кесарева сечения на 35 неделе беременности. Siamoские близнецы родились соединенными в районе груди и живота. У девочек имелась общая печень и кишечник, а также некоторые важные кровеносные сосуды.

Первоначально врачи планировали подождать с разделением близнецов до тех пор, пока они не окрепнут. Однако на шестой день после их рождения потребовалась экстренная операция – у детей была диагностирована кишечная непроходимость.


Операция по разделению прошла успешно. Тем не менее, вечером того же дня состояние одной из сестер, Хоуп, ухудшилось и девочка скончалась. По словам врачей, причиной смерти ребенка стала дыхательная недостаточность.

Состояние ее сестры в настоящее время оценивается как стабильное. Девочка по-прежнему находится в реанимации и подключена к аппарату искусственной вентиляции легких.

Siamoские близнецы появляются на свет крайне редко. Одна пара таких малышей приходится примерно на 200 тысяч здоровых детей.

Материалы основаны на данных Интернета.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УРОЛОГИЯ Маркази директори ўринбосари Мухтаров Шухрат Турсуновичга падади бузуқворни **Турсун МУХТАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Газета муассиси:

Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Тахрир хайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ

Тахрир хайъати аъзолари:

Бобур Алимов, Озода Мухитдинова, Бахтиёр Ниёматов, Нурмат Отабеков, Рихси Салихўжаева, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов, Миралшер Исламов, Намоз Толипов (маскул қотиб).

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилми: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 233-57-73, тел.: 233-13-22. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь куни рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақола-лар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Фойдаланилмаган қўлемалар таҳлил қилинмайди, ёзма жавоб қайтарилмайди. Ўзлон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўригилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга шартли белгиси қўйилган.

Адади 4935 нусха. Буюртма Г-1150.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади. Газета ҳажми 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Бахтиёр КЎШОКОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.